



O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KENG PALATASI


Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

• 2009-йил • 22-avgust • Shanba • 99 (30.060) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan



18
МУСТАҚИЛЛИК
ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Хоразм вилоят партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди



ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

ТАШАББУС, ҚАТЪИЯТ БЎЛСАГИНА АСОСИЙ МАҚСАДГА ЭРИШИШ МУМКИН

Вилоят кенгаши раиси Раимбергана Сабурова маърузасида асосий эътибор шу каби ма-

салалар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда юзага келаятган айрим муаммолар, ҳал

қилиниши лозим бўлган муҳим ишлар ҳамда бу жараёнда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳла-

рининг иштирокини кучайтиришга қаратилди.

(Давоми 2-бетда)



Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



ДУРЛАР ИЧРА ДУРДОНАМ — ВАТАН!

Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Давлат мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тўйларига бағишланган «Дурлар ичра дурдонам — Ватан!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова тадбирни очар экан, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Тошкент шаҳрининг «Мустақиллик» ордени билан мукофотланганини айтганда боғ гулдурас олқиларига кўмилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси учун Тошкентимизнинг юксак мукофот билан тақдирланиши ҳар бир тошкентликнинг, ҳар бир юртдошимизнинг қалбларини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Қанотли хушхабардан руҳланган Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши, шаҳар «Маҳалла» ва «Нуроний» жа-

мғармалари, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими пойтахтимизда халқ сайили ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Хайрли ташаббус бир зумда қанот ёзди ва Тошкент аҳли Бобур номидаги боққа оқиб кела бошлади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови голибларига мукофотларни тошириш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат, маданият соҳалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

ЯНГИ ПАРВОЗЛАРГА УНДАЁТГАН ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимизни янада равангга топтириш, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек масъулиятли жараёнлар маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ижодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидладилар. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини кишилар қалби ва онига таъсирчан усуллар ёрдамида етказишда, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда турли ижодий лойиҳалар, кўрик-тан-

ловларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ҳар йили Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови ана шундай ижодий беллашувлар жумласидандир. Танлов мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетақдор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, меҳроқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда яшаш, Ватан тақдирини, келажакка дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан чуқур ўрин олаётганини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бадий воситалар орқали юртдошларимиз онгу шуурига етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танлов учун тақдим этилган ижодий ишларда истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб,

муносиб ҳаёт кечириш учун кенг имконият бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўйба-рўйга чиқариш, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаятгани ёрқин ва юксак оҳангларда акс эттирилгани эътиборга моликдир. Айни пайтда ушбу ижодий беллашув адабиёт, журналистика, тасвирий, фото, кино санъатлари соҳасида янгидан-янги пухта, юксак савияли асарларнинг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йилда мазкур ижодий беллашувда қарийб 900 нафар ижодкор етти мингдан зиёд асари билан иштирок этди. Бу эса танловнинг мавқеи ва аҳамияти халқимиз, айниқса, ижод аҳли ўртасида тобора ортиб бораётганидан далolatдир. Тадбирда танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

биз қураётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим шартидир

Наманган вилоят партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди



Конференцияда вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев ўз маърузасини маҳаллий депутатлар фаолиятини таҳлил этишдан бошлади. Партия дастурий вази-ларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс ҳудудий дастурлари ва


худудий бандлик дастури бажарилишининг самардорлигини таъминлаш депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юкла-шини таъкидлади. — Бугунги анжуманда таҳлил этаётганимиз беш йиллик давр чин маъно-да тарихий янгиланишлар даври бўлди, — деди у. — Онг, тафаккур ўзга-

ришлари иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий-маънавий юксалишларга йўл очди. Айниқса, депутатлик ваколатларининг кенгайтирилиши, улар давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигида фаоллашгани ўз самарасини бермоқда. Халқ депутатлари вило-

ят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи Чортоқ туманидаги Ҳазратишоҳ қишлоқ аҳолисининг сув таъминотини яхшилаш масаласини кўтаргани натижасида вилоятда махсус дастур ишлаб чиқилди. Маблағ ажратилиб, муаммо ҳал этилди. 6700 дан зиёд қишлоқ

аҳолиси доимий сув таъминотиغا эга бўлди. Норин туманидаги 12 та умумтаълим мактабига компьютер жиҳозлари совға қилинишида айнан ХДПдан депутат Рустам Шокиров ташаббускорлик ва ташкилотчилик қилди.

(Давоми 2-бетда)



ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан
ФАХРИЙЛАР ҚАЛБИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ 2

СУВ СЕРОБ, ИЧИМЛИК СУВИ ЭСА... 3

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ТАШАББУС, ҚАТЪИЯТ БЎЛСАГИНА

асосий мақсадга эришиш мумкин

— Ўтган давр мобайнида қилган ишларимиз оз эмас, — деди у. — Куннинг долзарб мавзуларидаги тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар мунтазам ўтказилапти. Лекин мақсад тадбир ўтказишдангина иборат эмас, уларнинг самарадорлигига эришишдир. Сафимиз кенгайиб бормоқда. Аммо, гап шундаки, биз фақат партия аъзолари сони ўсиши тарафдори эмасмиз. Бизга энг асосийси, партияимизни нафақат гоёвий, балки амалий ишлари билан қўллаб-қувватлайдиган, сиёсий мафкуримиз, электротимиз манфаатини химоя қилишга қаратилган сайёҳаракатларимизда фаол иштирок этадиган фуқароларнинг сафи янада кенгайиши муҳимдир.



— Коллеж битирувчиларини ишга жойлашда айрим муаммолар мавжуд. Битирувчинини ишга йўллаймиз. У ишга қирган идора-ташкilotдан шу халқ маълумотнома, унга очилган меҳнат дафтарчасидан кўчирма олиб келади. Қолгани билан коллеж маъмурияти шуғуллана олмайди. Бу борада ҳамкорликда ишлаш, тегишли идораларнинг масъулиятини ошириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил олиб бориш ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Бунда, аввало, йигит-қизлар

зарур, деб ўйлайман. Бу масалага биз жамоатчилик эътиборини қаратсак, уни ижобий ҳал қилишга эришсак, халқимиз учун катта хизмат қилган бўлар эдик. Кейинчалик бу ерларда қишлоқлар тарихини, маданиятини, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини, ўзига хос урф-одатларини акс эттирадиган музейлар ташкил этиш мумкин.

Ленинза АСКАРОВА, Меҳршафқат ва саломатлик жамғармаси вилоят бўлими раҳбари:
— Бошланғич партия ташкilotларимизда дадиллик етишмаяпти. Улар ўз идора-ташкilotларида худудга тегишли масалаларни кўтариб чикувчи, уларни бартараф этишга қаратилган таклифларни ўртага ташловчи фаол марказга айланиши зарур. Аслида партияга ана шундай қўйи бўгин керак. Бусиз сиёсий кўчининг жамиятда таъсири бўлмайди...

Шунингдек, анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Илхом Аҳмедов, вилоят ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси Шакаржон Хўжаниёзова, Хива шаҳридаги 10-мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимов ва бошқалар ҳам ўз фикр-ўйларини билан ўртоқлашдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ҳамда вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс худудий дастурлар ва худудий бандлик дастурини амалга оширишда партия ташкilotлари, депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Конференцияда кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.
Шу кунни бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Раимберган Сабуров ана партия вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўзинбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.



мандчилик ва халқ ижодиётини ривожлантириш мақсадида маҳаллий хомашёни тўплаш ҳамда қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида бирор бир таклиф билан чиқилмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Қатор туманларда маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳлари қоникарсиз фаолият юритишди. Беш йил давомида туман Кенгаши сессияларида бирор бир масала партияимиз депутатлик гуруҳлари томонидан кун тартибига қўйилмади. Бу билан депутатлар нафақат партия ташкilotи, балки электротат олдидagi вазифасини ҳам адо этмади.

Ташаббус, қатъият йўқ жойда ўзгариш ҳам бўлмайди. Бу айниқса мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — сайловлар арафасида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққанлар ҳам партия ташкilotлари, депутатлар фаолигини ошириш юзасидан таклифларни ўртага ташлашди.

Эгамберган ҚАРИМОВ, Урганч автомобил ва йўллар коллеж директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

(Давоми. Боши 1-бетда)



ДУРЛАР ИЧРА ДУРДОНАМ — ВАТАН!

Бог хибонларида туман ташкilotлари Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугунги кунига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Асосий саҳнада эса, эл севган санъаткорлар, ижодкор ёшлар ва Республика «Байналмилал» маданият маркази қошидаги музика гуруҳлари дилрабо қўшиқ ва рақслари билан қатнашчилар-

нинг байрамона руҳини янада кўтаришди. — Тошкентимизнинг Мустақил Ўзбекистонимизнинг энг юксак муқофоти — «Мустақиллик» ордени билан тақдирланганини ҳаяжонланмасдан айтиш мумкин эмас, — деди Ўзбекистон халқ артисти Ёкуб Аҳмедов. — Кўнгилларимизда ҳис-ҳаяжон, дилмиздагичи изҳор этишга сўз топа олмаймиз, бундай кунда фақат қўйлаш, рақс тушиш керак, шеър ўқиш керак. Таниқли санъаткоримизнинг сўзларига ҳамоҳанг Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир ўзларининг Тошкентимизга бағишланган шеърларини ўқиб беряшди. Шундан кейин куй-қўшиқлар рақсга ула-ниб кетди. Богда халқ сайли киңгача да-вом этди.

Асрор МҮМИН

(Давоми. Боши 1-бетда)



Тўрақўрғонда кичик корхона очиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашга ХДПдан депутат Шермирза Сайитбоев бош-қош бўлди. Янги худудга кўчиб ўтган ро-востонлик ёш оилалар узоқ вақт эришолмаган электр таъминоти маса-ласи депутат Наимжон Раҳимовнинг ҳаракати билан ечим топди. Сай-ловчилар бу каби ми-солларни мамнунлик би-лан айтишяпти. Аммо ўтган даврда фаолияти-



Ушбу таҳлилдан келиб чиқиб, конференцияда Наманган шаҳар Кенгашидаги де-путатлик гуруҳи қатор таклифларни ўртага ташлади.
Маматвали ТУРҒУНОВ, Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси, халқ де-путатлари ша-ҳар Кенгаши-

ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

биз қураётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим шартидир

миз ҳамма жиҳатдан ҳам қоникарли бўлди дейлаимиз.

Электротимиз ман-фаатларини таъмин-лашга эришишда Жа-моатчилик қабулхона-лари ишини тубдан қайта кўриб чиқишимиз керак. Уларга тушган мурожаатларнинг акса-рияти ижобат тонган бўлса-да, кўп ҳолларда ариза тўлақонли ҳал этилди, йўқми охи-ригача назоратга олин-май қолди.

Анжуманда вилоят партия ташкilotи ва халқ де-путатлари маҳал-лий Кенгашлари-даги ХДП де-путатлик гуруҳла-рининг электротат манафатларидан келиб чиқиб, иж-тимоий йўналти-рилган қонун, фармон ва қарорлар, давлат ва минтақавий дастурлар бажа-рилишини таъ-минлашда партия ташкilotлари иш-тирокига эътибор қаратил-ди.

Яқинда партия ташкilotлари депутатлари жалб эт-ган ҳолда касб-хунар коллежларини тамома-ланлар ўртасида сўро-нома ўтказди. Аниқлан-дики, коллежларни та-момлаган 9278 нафар йигит-қиз эгаллаган кас-би бўйича ишга жойлаш-ган. 2771 нафари бошқа соҳаларда ишломқда, 3934 нафари ўз бизне-сини юритиш, 8832 на-фари олий ўқув юртида ўқиш ҳаракатида. 1939 нафар ўрта-мақсуд ма-ълумот эгаси ҳарбий хиз-матга қақирилган. 502 нафари вақтинча меҳнат билан шуғулланмаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда)

даги депутатлик гу-руҳи раҳбари:

— 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлардан бўён партияимиз нима-ларга эришди, нималар-га эриша олмади? Бу савол атрофида ҳар би-римиз чуқур мулоҳаза юритиб, хулоса чиқар-моғимиз зарур. Халқ депутатлари На-манган шаҳар Кенгаши-нинг 12 нафар депутати ХДП вакиллари-дир. Гуруҳ томонидан 2007 йилда «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»-ги қонуннинг ижросини таъминлаш масаласи 87 субъект мисолида ўрга-

ди. Наманган шаҳар Кенгаши қишга тайёр-гарлик бўйича кўшимча 78 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақида қарор қилди. Қарор ижроси ус-тидан назорат ўрнати-либ, белгиланган вази-фалар охирига қада-р адо этилгани боис партияимизга ва де-путатларимизга ишонч мус-таҳкамланди.

Бу билан барча иш-ларимиз яхши, демокчи эмасман. Эътиборимиз-дан четда қолаётган ма-салалар ҳам бор. Таж-риба шуни кўрсатмоқда-ки, электротат, жамоат-

ваколоти билан улар ҳам нималарга қодирлигини кўрсатишига имкон бе-риш зарур.

Конференцияда Тўрақўрғон туманидаги «Хати-ча ая» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Халчохон Мирзаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббатхон Абдуллаева, Олий Маж-лис Сенати аъзоси Ма-рҳабатхон Болтабоева, вилоят ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси Самияхон Раҳимова, халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши де-путати, «Чор-тоқ ҳақиқати» га-зетаси бosh му-ҳаррири Дилбар-хон Ҳайдарова, Уйчи туман тиб-биёт бирлашма-си раҳбари ўрин-босари, туман Кенгаши де-пу-тати Зокиржон Шо-камолов, Янгиқў-рғон туман обо-донлаштириш бўлими бошлиги, туман Кенгаши-даги ХДП де-пу-татлик гуруҳи раҳбари Абдура-сул Мадррахимов ҳам партия таш-кilotлари ва де-



путатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш юзасидан мулоҳазала-рини билдирди.

Конференцияда кўрилган масалаларга алоқ қарорлар қабул қилинди.

Шу кун партия вило-ят кенгашининг ташки-лий пленуми бўлиб ўтди. Унда Абдурашид Убайдуллаев Ўзбеки-стон ХДП вилоят кенга-ши раиси этиб қайта сайланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратлар муаллифи Ҳотам МАМАДАЛИЕВ.

чилик билан ишлашни, уларнинг фикрлари асо-сида фаолиятимизни йўналтириш боришни та-комиллаштиришимиз ке-рак.

Раҳима Йўлдоше-ВА, Чуст туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқит-увчиси:
— Мен депутатликка ёшлардан ҳам кўпроқ сайланишини истайман. Маҳаллий Кенгашларга номзодлар кўрсатишда маҳалла-қўйдаги турмуш шариитини яхши билган, интеллектуал салоҳияти, қобилияти етарли ёш-ларни ҳам ҳисобга олиш керак. Айнан депутатлик

ЎЗХДП фаоллари ташаббуси билан

ФАҲРИЙЛАР ҚАЛЬЛАРИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

да катта тайёргарлик иш-лари амалга оширилмоқ-да. Бу жараёнда Ўзбе-кистон ХДП ташкilotла-ри ҳам ўз муносиб ҳис-сасини кўшмоқда. Кун-и кеча Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пан-сионатида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳамда хайр-саховат акцияси ана шулардан биридир.

Тадбирда Тошкент ша-ҳар партия кенгаши ра-иси Учқун Шойимқулов, пансионат раҳбари Анвар Каримов ва бошқалар ис-тиқлолнинг мамлақати-мизда истиқомат қилаёт-ган ҳар бир фуқаро та-қдирда тутган ўрни ҳақида сўзлашди. Иж-тимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг ман-фаатларини химоя қилиш ва уларни ҳар томонла-

ма қўллаб-қувватлаш бо-расида юртимизда амал-га оширилаётган кенг қўламли ишлар, ЎЗХДП ташкilotларининг бу бо-радаги сайёҳаракатлари ҳақида тўхталди. Та-барруқ кексалар, панси-онатда яшаётган отахон-онахонларни энг улуг, энг азиз байрам — Истиқлол айёми ҳамда азим пой-тахтимизнинг 2200 йил-лиги билан муборақбод этдилар.

— Урушчи, қаҳатчилик-ни биз кўрдик, ёш авлод кўрмасин, — дейди Ик-кинчи жаҳон уруши қат-нашчиси Шамсидин ота Каримов ўтган кунларни хотирлаб. — Мана, ўзи-миз истагандек юртимиз му-стақил бўлди, ўсиб-ул-ғайиб келаётган ўғил-қиз-ларимизга кенг имкони-

ришлари учун ҳамма ша-роитлар яратилган. Спорт билан шуғулланишларига ҳам имкониятлар бор. Биз уларни нафақат до-ийий тиббий кўриқдан ўтказиб тураемиз, балки руҳан соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаемиз. Чунки, бир оғиз ширин сўз туфайли кўнгиллари тоғдек кўта-рилиб, ўзларини бардам, тетик ҳис қила бошлай-дилар. Қолаверса, бугун-гидай тадбирларнинг тез-тез ташкил этилишини улар ўзларига бўлган эътиборнинг бир намуна-си сифатида қадрлаша-ди...

Ўзаро меҳр-оқибат, ғамхўрлик, муруват каби тушунчалар бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Меҳрга муҳтож инсонлар-нинг кўнглини кўтариш, ҳолидан хабар олиш са-вобли ишдир. Тадбир сўнггида фах-рийларга эсдалик совга-лари топширилди.

Нилуфар НАЗАРОВА

Олам ва одам

Сув — ҳаёт манбаи, инсон саломатлигининг гарови. Одам ўзини яхши ҳис қилиши учун фақат тоза ичимлик сувидан фойдаланиши керак. Олимлар томонидан инсон ҳаёти давомийлигининг сув билан боғлиқ жиҳатлари аллақачон ўрганилган. Шуни инобатга олсак, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда, инсонда пайдо бўладиган касалликларнинг 90 фоизи сифатсиз сув истеъмол қилишнинг натижасидир.

Тоza ичимлик суви — бу содда қилиб айтганда, одам саломатлигига зарар етказмайдиган, таркибда аралашма бўлмаган сув. Аини вақтда тоза ичимлик суви муаммоси ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Ер шари аҳоли-

аҳолиси дегани) тоза ичимлик сувиға танқисликни сезади. Боз устиға хорзир унинг аксарият қисми



СУВ СЕРОБ, ИЧИМЛИК СУВИ ЭСА...

сининг кўпайиши жадал суръатларда кечаётган бир пайтда, ҳаётнинг барча жабҳаларида сува бўлган эҳтиёж ҳам тобора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида глобал сув инқирозига, яъни чучук сув етишмаслигига олиб келмоқда. Чучук сувнинг истеъмол даражаси дунё аҳолиси ўсиш тезлигидан икки баробар юқори. Шу боис мутахассислар фикрича, 2025 йилга келиб дунё бўйича 3,5 миллиард инсон (бу Ер шарининг тахминан ярим


қишлоқ хўжалигига сарфланишини инобатга олсак, жаҳондаги миллиардлаб кишилар тоза ичимлик сувидан бебаҳра қолиб, экологик ва гуманитар ҳалокатни бошдан кечирмоқда. Муаммонинг яна бир хавфи томони шундаки, бу табиий ресурс «қора олтин»га нисбатан, яъни нефтдан олдинроқ туғаш эҳтимоли йўқ эмас. Бунда масала унинг ҳажми билан боғлиқ бўлмай, бу борада Ер иккала кутбида ҳам улкан захирага эга.

байнида (25 минг йил) қондиришга етиши керак. Муаммо эса шундаки, бу захиранинг деярли 70 фоизи Арктика ва Антарктида музликларида тўпланган. Бошқа сув манбалари — дарё, кўл ҳамда артезиан қудуклари бўлса жаҳондаги чучук сув захираларининг 0,26 фоизини ташкил қилади, холос.

Шунинг учун олимлар ҳозир денгиз сувини шўрсизлантириш ҳамда кубт музликларини ташиш йўллари изламоқда. Шуни ай-

тиш керакки, Россия Фанлар академияси география институти олимлари бу борада қатор муваффақиятга эришдилар. Улар айсберглардан чучук музни сиқиб чиқарадиган методикани ишлаб чиқиб, амалиётда унинг ишлатилишини намоён этишди. Агар тақлиф қилинган бу технология саноатда қўллангудек бўлса, у ҳолда 24 соат ичида бутун кўрраи заминга бир ҳафта давомида барча жабҳаларга етadиган миқдордаги сувини ишлаб чиқариш имкони туғилади. Бунда олимлар дунёнинг турли худудлари бўйлаб чучуклашган сувини етказиб бериш системаларини яратишлари мумкин. Олимларнинг фикрича, инсоният бошқа суюқ махсулот — нефтни ташишни ҳам аллақачон ўзлаштиргани каби сувга ҳам қувур ва суюқ махсулотлар ташийдиган кемаларни қўллаши мумкинлигига ишора қилмоқда. Лекин бу масалада экологлар фикри олимларникига зид, яъни экология соҳасидаги етук экспертларнинг айтишича, жорий юз йилликнинг охирига келиб сайёрамиздаги ўртача йиллик ҳарорат Цельсий даражаси бўйича уч градусга кўтарилади. Натижада музлар эриши тезлашиб, бу Альпдаги тоғ тизмаси музликларининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Қисқаси, замонавий илмий назарияларга асосланиб айтиш мумкинки, глобал ишиқ оқибатида мангу музликларнинг олдиндан эриши юз беради. Бундан кўриниб турибдики, инсоният илм-фан ютуқлари асосида тоза ичимлик суви муаммосига биргаликда ечим излаши керак.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ тайёрлади.



САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ сентябрда эълон қилинади

Афғонистонда президент ва музофот кенгашлирига сайловлар бўлиб ўтди.

«АФР» ахборот агентлигининг маълум қилишича, 25-26 миллионлик (Афғонистонда охириги марта 1979 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири бошланган, аммо мамлакатда ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетганлиги «Нобис бу тадбир охирига етмай қолган») мамлакат аҳолисининг 17 миллиони овоз бериш ҳуқуқига эга. Аммо овоз беришда аҳолининг қанчаси иштирок этганлиги ва сайловлар натижалари ҳақида тўлиқ ҳисобот 3 сентябрдан кейин эълон қилина-

ди. Умуман, Афғонистон сайлов қонунчилигига кўра, сайловларнинг якуний натижалари 15 сентябрда маълум бўлади.

Сайлов куни мамлакатда 7 мингга яқин сайлов участкалари иш олиб борди.

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот қотиби Нур Муҳаммад Нурнинг «Нобис бу тадбир охирига етмай қолган») мамлакат аҳолисининг 17 миллиони овоз бериш ҳуқуқига эга. Аммо овоз беришда аҳолининг қанчаси иштирок этганлиги ва сайловлар натижалари ҳақида тўлиқ ҳисобот 3 сентябрдан кейин эълон қилина-

та маҳаллий, 30 та хорижий ташкилотдан кузатувчилар, 51 та маҳаллий ва 149 та хорижий ОАБдан вакиллар ҳамда 31 та сиёсий партиядан кузатувчилар, ҳаммаси бўлиб 250 мингдан ортиқ вакил аккредитациядан ўтказилди. Президентлик учун 36 номзод кураш олиб борди. Олдиндан амалга

оширилган сўров натижаларига кўра, амалдаги президент Хамид Карзай ва мамлакатнинг собиқ таши ишлар вазири, рақиб номзод Абдулла Абдулланнинг галаба қилиши учун имкониятлари кенг. Лекин сайловлар натижалари эълон қилинмагунча бир нарса дейиш қийин.



КЛИНИК СИНОВЛАР муваффақиятли ўтди

Хитойда А/Н1Н1 вирусига қарши яратилган янги вакцинанинг дастлабки клиник синовлари муваффақиятли якунланди. Тадқиқот натижалари вакцинанинг инсон ҳаёти учун хавфсиз эканлигини тасдиқлади.

«Новости» АА хабар беришича, вакцинанинг клиник синовлари 22 июлдан бошланган.



«Sinovas Biotech» компанияси томонидан амалга оширилган ушбу синов 15 август куни якунланди. Унда 1614 нафар турли ёшдаги кўнгилчилар иштирок этди.

Натижалар шунини кўрсатдики, эмланганлар қонида «чўчка гриппи» вирусига қарши «антитела»лар пайдо бўлган.

Клиник синовларнинг барча босқичлари якунланган, компания аҳолини эмлаш учун сентябрдан оммавий вакцина ишлаб чиқаришга киришади ва бир йилда 360 миллион доза вакцина ишлаб чиқаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг худудий бюроси маълумотларида қайд этилишича, 16 август ҳолатига кўра, дунё бўйича А/Н1Н1 гриппига чалинганлар сони 227 минг 539 кишини ташкил этган, шундан 2045 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Сўнгги йилларда республикамизда гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмолга қарши кескин чоралар кўрилаётган бўлса-да, айрим ёшлар ҳамон бу оғу қомига тушиб қолаётти. Яқинда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда гиёҳванд моддаларни ташиш билан шуғулланувчи кимсаларни

125 КГ. ГЕРОИННИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

фоти этишди. Бойсун туманида ҳаракатланаётган «Nexia» автомобили божхона кўригидан ўтказилганда йўловчилардан бири — хоризқ фуқароси Б.Узбековнинг ўзини тутуши соҳа ходимларида шубҳа уйғотди. Шундан сўнг ҳолислар иштирокида йўловчи ва унинг юклари кўздан кечирил-

Божхона бекати

ларнинг ҳулосасига кўра, 321 грамм оғирликдаги ушбу захри қотил оғий гиёҳвандлик моддаси экан.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир чоғида эса йирик миқдордаги гиёҳванд моддалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Янгийўл туманида шубҳали туюлган «КамАЗ» юк

автоулови тегишли тартибда кўздан кечирилганда, яшиқлардаги олма орасида турли ҳажм ва ўлчамдаги 128 дона целлофан ва қоғоз ўрамлар борлиги аниқланди. Холислар иштирокида текширилганда, ўрамларга оз эмас кўп эмас, нақд 125,5 кг. героин ва салкам 1 кг. гашиш моддаси яширилгани ойдинлашди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Advertisement for Agrobank featuring a large image of a building and text: «АГРОБАНК» очик, акциядорлик тижорат банки. барча юртдошларимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёнаси ҳамда азим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантанаси билан самимий муборакбод этади! Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани рост бўлсин! Байрам тантанаси муносабати билан, «Агробанк» барча юртдошларимизга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган «МУСТАҚИЛЛИК» «ТОШКЕНТ — 2200 ЁШДА» (муддатли) «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» (жамғарма) номли омонат турларини тақлиф этади. Шу билан бирга, дунё бўйлаб молиявий эркинликни қўлга киритишни истасангиз, «Агробанк» VISA Cardларининг соҳиб бўлишга шошилинг! Visa Electron — дунё амалиётда қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар, ёшлар учун тақлиф этилади. Visa Classic — универсал тўлов карта ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамда банккоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали махсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир. Visa Gold — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади. Бутун жаҳон бўйлаб, Сиз учун, янги замон макони. Ишончли, қулай ва сифатли банк хизматидан самарали фойдаланинг! «Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи! Хизматлар лицензияланган.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ




Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.




Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи гузарига Давлат мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб, «Уч авлод учрашуви» маданий-маърифий тадбир уюштирилди. Ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган тадбир қатнашчиларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Саховатпешалик халқимизга азалдан мерос. Бугунги кунда кам таъминланган, аҳоли қатламига, кекса ҳамда ногиронларга, кўп болали оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш анъанага айланди. Пойтахтимизнинг Сергели туманида ана шундай эзгу ишларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Қўнда 86 нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтгани фикримизнинг далилидир. Кўни кеча ана шундай тадбирлардан яна бири «Бахт - Диёр» тўйхонасида бўлди. Катта тўй оқшомига йилгилган меҳмонлар бир-бирдан гўзал ва бахтиёр олти нафар келин-куёвни мустакил ҳаётга қадам қўйгани, 46 нафар болаҳоннинг суннат тўйи билан қутлашди.



Туманда фаолият юритаётган «Файз» холдинг компанияси, «Интерсоқ» ва «Ве-

Ў ҚИММАТ ВА САХОВАТ



стон чой» қўшма корхоналари, «Силвер» ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа ташкилотлар уларга ўз совғаларини топширишди.

— Бугун ўтаётган тўй шодиёнасида хурсандимиз. Айниқса, санъаткорлар ўзларининг янги куй-қўшиқлари билан даврага фойз киритди, — дейди Уткир Тўхтаохунов ва Умида Рихсиевалар.

— Бизга янги оила қуришимизда меҳр-саховат курсатаётганликларидан миннатдоримиз. Келажакда биз ҳаммажihatликда Ватанимиз ривожига қўлимиздан келганича ҳиссамизни қўшамиз.

Умида МАНСУРОВА
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Шавкат Қаҳҳоров олган суратлар.

КЎЗИНГИЗ ОЛАМ ГЎЗАЛЛИГИНИ ДОИМО КЎРСИНИ

дейди олий тоифали шифокор Зулфия Мақсудова

Биз дунёни, унинг гўзалликлари, еру осмонни кўзимиз билан кўриб, завқланиб яшаймиз. Инсон учун кўзининг қадри бебаҳо. Мабодо кўзимиз хиралашиб қолса-чи? Дарҳол шифокорга чопамиз.

малакаси оширилиб, ташхис қўйиш ва даволаш учун энг замонавий асбоб-ускуналар олиб келингани беморлар соғлигини тиклаш гарови бўлмоқда. Четдан олиб келинаётган тиббий техникаларнинг бож

ўзгариш сезилдими, шу заҳотиёқ офтальмологга учрашиб, тавсия қилинган кўзойнакни тақиш шарт.

Ота-оналар, айниқса кўзойнақ таққан болаларини хар олти ойда шифокор кўригидан ўтказиб



Ширин сўзли, кўли енгил нажоткорлар дардга малҳам бўлади. Очиғи, пойтахтимиздаги «Laser Optica» кўз нуруни тиклаш марказига борганимизда бунчалик кўп одам бўлади, деб ўйламагандик. Бир ёғи Сурхондарёнинг Бойсуну Шўрчисидан, бу томони Қорақалпоғистоннинг Тахياتошу Хўжайлисидан нажот излаб келишган. Шифокорлар беморларнинг хар бирини чуқур текширувдан ўтказгач, тавсия беришади, лозим топилса, жарроҳлик амалиётини қўлашади.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши бугун ўз самарасини берапти, — дейди марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Зулфия Мақсудова.

— Давлатимиз томонидан тиббиёт соҳасига катта эътибор қаратилиб, имконият ва имтиёзлар яратилиши муваффақиятларимизнинг бош омилли бўлмоқда.

— Ютуқлар нимага асосланган?

— Шифокорларимиз

туриши керак. Баъзида ҳайрон қолам. Фарзанди узокни кўра олмаслигидан шикоят қилса ҳам айрим ота-оналар бепарво юришаверади. Ваҳоланки, агар вақтида бола текширилиб, кўзойнақ тақмасга кўз зўриқиб, кўриш қобилияти сусаяди. Бизга мурожаат қилувчиларнинг аксарияти ёшлар экани ҳам уларнинг соғлигига жиддий эътибор беришимиз зарурлигини кўрсатиб турилади. Кўзойнақ тақадиган қизларимиз янги оиллага келин бўлиб тўшаётганида уялишади. Бу ҳеч хижолат тортадиган ҳолат эмас. Улар даволанса, кўзойнақ тақмайдиган бўлишади. Кўриш қобилиятимиз тикланди, энди кўзойнақсиз юраман, деб севиниб чиқиб кетаётганларни кўрсангиз эди...

Уларнинг қувончи менга ҳам ўтади. Ана шундай пайтларда шу касбни танлаганимдан фахрланаман, «Раҳмат!» деган сўзни эшитганимда бутунлай бошқа ҳолатга тушади киши...

Бугун юртимизда дунёнинг манамаман деган шифокорларидан билими, қобилияти жиҳатидан устун бўлган Зулфия Рўзметовна сингари кўплаб олий тоифали шифокорларимиз бор. Улар тўфайли хаста диллар равшан бўлиб, олам гўзаллигини яна ўз кўзлари билан кўришмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,
Алишер Навоий кўчасидаги 50х21 м. ўлчамдаги
сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш (2-босқич).

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 297,682 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 248,068 млн. сўм. Иншоотнинг қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағнинг ёки курсатиб ўтилган маблағни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни ба-

жариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лавҳат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳола-

нади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охириги муддати — оферталар очилиши кўни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Бувайда туман партия кенгаши райиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳабибахон Тошматовга волидаи муҳтарамаси

ФОТИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК 214-машиналашган темир йўл станцияси сертификатлаштириш идоралари учун ИСО 9001:2008 талаблари асосидаги сифатни бошқариш тизимини сертификатлаштириш бўйича танлов эълон қилади. Мурожаат учун тел/факс (8 375) 522-06-48

ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Лот 1-1. Строительство автогаража для скорой помощи по ул. Абая в г. Карши (навес на 22 а/машин, ремонтная мастерская и бокс на 8 а/машин). Стартовая стоимость (без НДС) — 160 759 000 сум., (с НДС) — 192 910 800 сум. **Срок строительства: 105 дней.**

Лот 1-2. Сельский врачевский пункт на 75 посещений в смену (остаточные объемы) в кишлаке Фазли Касбинского района. Стартовая стоимость (без НДС) — 90 129 180 сум., (с НДС) — 108 155 020 сум. **Срок строительства: 90 дней.**

Лот 1-3. Строительство СВП с обслуживанием от 2 000 до 3 000 человек в кишлаке Кумкишлоқ Шахрисабзского района Кашкадарьинской области. Стартовая стоимость (без НДС) — 124 510 390 сум., (с НДС) — 149 412 470 сум. **Срок строительства: 120 дней.**

Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.
Адрес: г. Карши, ул. «Ўзбекистон Овози» газетаси, дом 3.
Финансирование осуществляется за счет: Местный бюджет.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественные и зарубежные строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие:

ценные преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — в Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу: г. Карши, Ханабаское шоссе, дом 46 а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

Стоимость одного комплекта документов — 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу. Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — к дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления, в 10.00, в здании заказчика по адресу: г. Карши, ул. «Ўзбекистон Овози» газетаси, дом 3.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afur HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 2003-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUHBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shebanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'hiyyat tuzatma bilan amalga oshiriladi.
Г — 749 7876 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'z'a yakuni — 20.20 Topshirilgan vaqti — 23.30 1 2 3 5 6 7 8 Sotuvda erkin narxda